



Тасаввуф гоғлари XI асрдан бери Шарқ шоирларини ўзига мафтун этиб келган, биров илохий ишқни бевосита куйлаб, завқу шавқини изҳор этса, биров мажозий-дунёвий тимсоллар орқали ҳақиқат асрорини кашф этиш, инсоний кечинмалар тасвиридан илохий муҳаббат сари боришни маъқул кўрган, учинчи хил шоирлар бўлса, сўфиёна таълимотни диний қарашлар билан омўхталаб, тарикат мақомотини шеърга солиб, шарҳлаб берганлар. Аммо бу силсилада Бобораҳим Машрабнинг ўзгача мавқеи бор. Машраб — илохий ишқнинг масту девонаси, мажнун шоир. Унинг ижодида юксак фалсафий-тасаввуфий гоғлар заминий дарду алам, оддий инсонлар, гарибу бенаволарнинг ночор аҳволидан қайғуриш, зулмситаждан портлаган адолат туйғусининг пўртанали исёни ифодаланган. Машраб шеърини — дунёдан норози кетган, покдил инсонларнинг виждон қичқирини, нур қидириб, нурга талпинган, Илоҳга мушток интизор юракнинг нолафигони. Унинг шеърларининг ҳар бири бир лаҳча чўғ, ёндирувчи олов: “Бошимдан то оёғим тутайиб хирмани оташ”. Шоирнинг хуш кўрган ташбеҳлари шуъла, самандар, хуноба, чакмок, гулхан. Унинг фигони — оху ноласининг чегараси йўқ, наърасидан олам ларзага келади. Агар маҳшар қуни ох урсам, у дунёву бу дунёгина эмас, балки аршу курси, “бихишти жовидон ҳам ўртар”, дейди дардли шоир тугёнли хисларининг шиддатини шоён этарок. У маърифат аҳди қушандаси, солих, ҳалол одамларни хор этган нотанти, қажрафтор фалакнинг “устига ўтлар қўйиб”, барбод этмокка чоғланади. Ўз шеърларини “дарднома”, ўз юрагини эса “жароҳатхона”, “ҳасратхона”, “мотамқада” деб атайди.

Муҳаббат дардида овора бўлган халқни кўрдим,
Кўзи вақти сахар сайёра бўлган халқни кўрдим.

Тани дарду аламдан ёра бўлган халкни кўрдим,
Дили тиги ситамдан пора бўлган халкни кўрдим,
Зулм тугён этибдир— хар бириси беҳабар танхо..

Хўш, будард канака дард, ситам кўрган бу “халк” ким, зулм деганда Машираб нимани назарда тутуди? Шоир ижоди хақидаги тадқиқотларда унинг шу руҳдаги шеърлари меҳнаткаш халк ҳаётининг аянчлик тасвири сифатида талкин этилади. Албатга, Машираб бенаво-бечораларни кўрган-да, дили эзилган, ноҳақликлардан фиғон чекиб ўтли сатрлар битган. Бирок, у ўзининг бу туйғуларини очик, ялан-ғоч тарзда, аллақандай исён-тўполонларга даъват руҳида ифодалаган эмас. У ҳаётга бир илохий ишк ошиги, тасаввуф нуридан порлаган қалб нигоҳи билан қарайди ва ҳислари, муҳоқамалари ҳам шу асосда ривожланган. Машираб айни мана шундай дардли шеърларида заминий дард — ижтимоий ҳақсизлик ва адолатсизлик дардини илоҳиёт дарди, яъни руҳнинг асл манбаига қайтиш учун чекаётган изтироблар, “аршдан ерга инган” инсон кўнглининг моддийдан покланиш дарди қийноқлари билан кўшиб тасвирлайди. Бошқача айтсак, Машираб қуйлаган дард нон топиш, мансаб-манфаат учун юз елиб-югураётган одамлар “дарди” эмас, балки илохий “муҳаббат дарди” да ёниб, тунларни бедор ўтказаетган, кўз ёши шашқатор ҳақпараст ва ҳақсевар порсолар дардидир. Машираб шуларга ихлос қўйган, ўзини ҳам шулар зумрасидан деб билади ва уларни чин юракдан севади:

Азалдан мен дили гамгин ҳалойик хайлини севдим.

Покдил кишиларнинг шоир қалбидан жой олишига яна боис шуқим, улар қалбида илоҳсеварлик туйғуси билан инсонсеварлик туйғуси бирга узвийликда яшайди, илоҳиёт дардидан беҳабар одамда меҳр-шафқат, ўзгалар дардини англаш туйғуси ҳам ривожланмаган бўлади. Зулм деганда ҳам шоир “дарди бўлмаган” кишиларнинг дард аҳлига, жисмнинг руҳга, жаҳолатнинг маънавият-га, нафснинг инсонни ўз асли ва ўз-ўзини танишга тўскинлиги зулмини назарда тутуди. Синфий, ижтимоий нобаробарлик, ҳасаддан тугилган фитна, уруш-қиргинлар сабабқори нафс инсонни ўз қулига айлантирган. Шунинг учун Машираб қамбағаллар, оч-яланғоч халқтақдирига, етим-ғарибларнинг ночор аҳволига ачиниб қолмай, умуман инсон зотиға ачинади. Шоир маънавият олами томон юқори қўтарилган сари бани башар ожизликлари, гафлат ва жаҳолат туманида қолган ноҳушлиқларни аниқроқ кўра бошлайди. Бу дард энди айрим шахсларнинг, алоҳида кишиларнинг дардидан юз қандон ул-қан бўлиб туюлади ва Маширабнинг юрак-бағрини баттар эзади. Чунки “халк” “муҳаббат даштида” овора, яъни ҳаққа етишиш, ҳақиқатни қўриш иштиёқида Маҷнун қаби сарсон-сарқардон, умид қўзлари қўққа тикилган. Шоир демокчики, фоний дунёнинг зулми беҳад қуча-йиб, вужудимизни қўринмас тўр билан қоплаб олган. Биз бундан беҳабармиз, хар биримиз танхо изтироб чеқамиз ва ўзимизни яна унинг қомиға отамиз. Бирок руҳимиз бу зулмдан қутилиб, эркин бўлишға интилади. Шу зайлда, инсон руҳ ва жисм талаблари орасида азобда. Бу азобдан қутулиш учун Иброҳим Адҳам қаби борйўғи, тахту тожини қолдириб, сўфий қандасини қиймоқ қерак. “Жаҳонни тарқ қилди Машираб Иброҳим Адҳамдек”. Бу ягона йўл бўлиб “толиби ишқ”, яъни илоҳ васлиға талабқор одамнинг ҳиммати-мардлиғидир, у шу орқали руҳи, сози ва сўзини, виждонининг эркини таъминлашдан ташқари, ситам аҳлиға қарши қурашиш имқонини ҳам яратади.

Муродинга етай десанг, каландар бўл, каландар бўл,
Ситам ахлин ютай десанг, каландар бўл, каландар бўл.
Огиздан дур сочай десанг, каландар бўл, каландар бўл,
Ёмонлардан кочай десанг, каландар бўл, каландар бўл.

Ҳа, Машраб исёни ва тарки дунёчилик фалсафасининг моҳияти ҳам шу нуктада аёнлашади. Чунки у нопоклик оламидан поклик оламига, хайвоний хирслар қулига айланган нокас одамлар оламидан илоҳиёт оламига чекиниб, каландарликдан паноҳ изласа-да, аммо у бадбинликка чорлаган шоир эмас эди. Ҳаётга зоҳидона нафрат туйғуси Машраб учун бегона. Дунё зулми муҳаббат ва софликка ошно руҳни эзган, шоир “барини тарки назар этдим”, “икки дунёдин юмдим кўзим” деб таъкидлагани билан ғўшанишин бўлиб олган эмас. Замон ва замин дардини ўзида сиздирган Бобораҳим Маш-раб халқ ичида юриб, ҳақсизлик ва жаҳолатга қарши исён қилади. Аммо унинг исёни, олимларимиз ёзиб келганидай, феодал тузумга ёхуд дин ва ҳудога қарши исён эмас, балки аксинча, динни шайтоний нафсга қурбон қилган, мунофиқ ва порахўр, тамагар қишилар, уларнинг ҳамтовоклари бўлган ўзга “аҳли бадқирдор”га қарши исён эди. Агар тасаввуфий нуктаи назардан янада чуқурроқ олиб қарайдиган бўлсак, бу дунёнинг ўзига, барча нокаслиқлар, ишқсизлигу илоҳсизликлар жамул-жамига қарши норозилик исёнидир. Шу учун ўз руҳининг аршга кўтарилгани, қайхоний парвозидан хайратланувчи Машраб, айни вақтда фалак зулмидан “баҳти қаролар подшоҳига” айлангани, “жафодан монанди дол” бўлганини айтиб нолийди, зоҳирни кўриб, ботинни англайдиган қалтафаҳм шайхлар, ҳаром ва порадан ҳазар қилмайдиган муллоларни ҳажв остига олади, соф “заминий” шеърлар битади:

Неча мулло илм ўқиб, роҳи шаётинни топиб,
Чун қарову қаршани ерлар хушдорлик била,
Рост сўз айтсанг аларга зарра қилмаслар қабул.
Қуфр айтдинг деб урарлар неча озорлик била.

Машрабдаги қомил эътиқод, илоҳ ишқи билан чўгланиб, қовиллаб турган виждон ҳақиқатни қўйроқ айтиб, қаролат аҳлини қош қилишга қудрат ва қуръат берган. Зотан, у оддий каландар эмас, балки улуг шоир-қаландар, бир томондан, “демона” авлиё, иккинчи томондан дўсти қардон, ҳамдард инсон эди. Шунинг учун унинг шаҳси ҳам, ашъори ҳам тарихда қавқулодда қодисадир. Бу қавқулодда шаҳс инсон тийнати ва тақдирига ҳос улуг бир қиддиқли қожиани теран англаб етди ва бу Қард унинг шеърининг қорлиғи, моҳиятини белгилади. Машрабнинг тушунчасига қўра, ушбу қарднинг қавоси — илоҳиёт васли, яъни тавҳид ва қано, бу қартабага эса инсонни ишқ олиб қориши мумкин. Шу маънода ишқ қарча мушқулотнинг қалити, инсоннинг қалосқори, вужудни қарловчи олов, иқсири аъзам. Машраб қарлағари Қаридиддин Аттор ва Қаролоиддин Қумийлар иқодида илоҳиёт билан қўшилиш шодлиғи, васл қармининг қарида ва сурури қарда ана шу қўшилиш — тавҳиднинг қари эканини таҳлил ва таҳқиқ этиш асносидаги шоирона қарфи бош қарсад бўлса, Машрабда тавҳид қарсурлиғи, Ёр қузур-қаровати қарвири шу қароватга этиш йўлидаги қийинчилиқлар, яъни ишқ изтироблари, тасаввуфий тил билан айтқанда, талаввун ва тафриқа, тақрид ва тафрид қосқиларидаги азоблар қўшиб қарвиланади. “Талвин” (ёки “талаввун”) — қилма-қиллик, қослик қарфиқатнинг қарқарор бўлмаган, қали қўнғидан шубҳа қарамом қўтарилмаган

пайти. Бу боскичдан эсон-омон ўтса, унинг камолига камол кўшилиб, “тажрид”га киради, яъни рухялонгоч бўлади, жисм кафасидан ажрала бошлайди, у худодан бошка нарсани истамай қолади, худо талабидан бошка талаби бўлмай, дунёни арзимас кўриб, фикру зикри парвардигор ёди билан бўлишдир. Бу боскичда калб мосуваллохдан кутулади, илох учун холи бўлади. Тажрид боскичи курб (якинлашиш)га олиб боради, солик гариб холатларни бошдан кечиради. Тажриддан курбга, курбдан эса тафридга (яккаланиш) ўтилади. Бу — ҳаққа етиш демак. Рух шунда баркарор бўлиши (“тамкин”), хузур-халоват оламига етишиши мумкин.

Мана ошиқ солиқнинг “талаввун” давридаги холати:

Кетти қарору сабру хуш, қолмади танда тохатим,
Тун-қун ила зиёдадур меҳнату дарду офатим,
Ох урубон қаён кетай, тоғу тоша бошим урай,
Бошима минг балову гам— қунда эрур аломатим...

Аммо Машрабнинг лирик қаҳрамони бу мақомлардан ўтиб, фано ва бақо мартабасига эришган, қўнғида баҳри раҳмат тошиб, илохий нурга гарк бўлган орифи қомилдир. Шоир башорат этади:

Вақти талаввундин ўтубман, муждаи тамкин манам.

Бу “тамкин” оламини қашф этган ошиқ солиқ руҳи Эзғулик ва Ҳақиқат салтанатини Мутлак рух уммони би-лан бирга ҳис этади, шу уммоннинг бир қатраси, гавҳари (“дурри дарёи маоний”) деб аңглайди. У ягоналик шавқи, яъни “вахдат майидан” сархуш бўлиб (“машраб” илохий шаробдан сархуш дегани), улувият мақомида ўзини арши аълода кўради:

Аршининг қунгирасин устига қўйдум аёғим,
Ломақондан жой олибман, бу мақонни на қилай ?

“Ломақон”нинг маъноси мақондан қориж, қадду қудудсиз демак. Яъни мақон тушунчаси биз яшаб турган дунё билан боғлиқ, илохий дунёси мақон тушунчасига сикмайди. Аммо Машраб восил бўлган Мутлак рух нафакат мақондан, балки қамондан ҳам қориж — у азалий ва абадий; унинг олдида мавжуд моддий дунё бир лаҳзалиқ қўнимқоҳ: “Бир лаҳзада дам олмай турибон, лаҳзада қетдим”.

Энди бу Буюқ қудратга қўшилган шоирнинг руҳи ҳам шундай улуглиқ қасб этадики, ердаги тушунча-тасаввурларга сикмайдиган, ўн сиккиз минг олам, етти қалак ҳамда шамсу қамарни қамраб олувчи баҳри мунавварга айланади:

Он қадар нурга тўлибман, осмонга сикмадим,
Тоқи аршу қурсию лавҳу жинонга сикмадим,
Дафтари руҳи қудусдурман, қабонга сикмадим...

Дарҳақиқат, тангри таоло инсон ақлу тушунчаси, тасаввурига сикмайдиган, барча сифатлар, исмлар, таърифу тавсиф ва ўлқовлардан қаланд турадиган зот. Машраб ана шу беқарон буюқликни назарда тутайди ва айни вақтда шу Буюқ қудратнинг бир қисмига

айланган комил инсонни ҳам англайди. Илохий мухаббат файзи туфайли камолот тахтини эгаллаган инсон ҳам худди илохнинг Ўзи каби замон ва макондан хориж бўлиб, у абадийликка баробардир. Шундай мартабали инсон калбида хакикату тарикат, шариату маърифат ҳам мужассам:

Шариат ҳам, тарикат ҳам, хакикат мендадур мавжуд,
Чу султони азалдурманки, арш-аълога сигмамдур.

Бундай комил инсон олдида барча динлар баробар, масжиду бутхона, каъбаю калисо орасида фарк йўқ. Чунки барча динларда ҳам ҳаққа интилиш ва ҳақни севиш — асосий гою, яъни ҳақ ҳамма динларнинг туб мохиятини белгилайди, демак динлар шу асосда ўзаро бирлашади. Шундай экан, ҳақ динлардан, мазҳаблардан баландда туради, аниқрок килиб айтсак, дин ва мазҳаблар — хакикатга олиб борадиган турли йўл, одат ва расм-русумлардир. Жумладан, диний маросим, ҳукмлар ҳисобланмиш тоат, рўза, ҳаж ва бошқалар, сигиниш даргоҳлари — зоҳирий воситалар. Ҳаққа воситалар орқали ҳам, бевосита ҳам интилиш мумкин. Бевосита интилиш — бу кучли мухаббат шавки канотида (Машрабнинг фикрига кўра, инсон чўлок қуш, ишк уни тузатиб, канот бағиш-лайди), ўзликдан кечиш. Ўзликдан кечиш индивиддаги нокисликларни бартараф қилиб бориш, жисмни махв эта бориб, ботиндаги интуитив туйғуларни, идрокий шуурни ривожлантириш, сўфийлар айтган важд қобилиятини шакллантиришдир. Шунда у суқра холатига қиради, ўзини ва раббини англайди. “Кимки ўзини англаса, раббини ҳам танийди”, деган қуръоний оят яна шунга ҳидоят этадики, кимки ўзини англаса, у оламни англайди, илохий сиру асрор, гайб хикматидан боҳабар бўлади ва:

Пири комилсан, хакикат бобида дарёйи хол,
дея олади ўзи-ўзига. Энди бундай зот жаннату дўзахни ҳам назарга олмаслиги мумкин, чунки у мақсадига эришган — Ёр висолига етган. Колганлар Машраб айтганидай, “суратпараст ўлган фашу дасторига мағрур” шайху қиборнинг иши. Хатто хонако ҳам Машраб учун муқаддас жой эмас. Холбуки, хонако сўфийлар йигиладиган ва шайхпир раҳбарлигида муридсоликлар тарбияланадиган жой. Лекин Машраб “хонакодан қочиш”ни маслаҳат беради, чунки бу ҳам зоҳирий даргоҳ, чин ошиқ бу ерга ҳам сигмайди... Оламни ўзига сигдириб, оламга сигмаган бу комил рух шоир талқинида гўё барча ошиқлар шайху ориф, наби ва валиларнинг, ҳақ ва хакикат излаган зотларнинг кўнгили ганжинасини жамулжам этган йиғма тимсол, воҳид бир Жавҳар. Унда малаклик сифати ҳам, Жабраилу Мекоил ҳислати ҳам мавжуд. Бу ишк жавҳари, ошиқруххали олам яралмасдан бурун бор эди, Одам Атони беором этган, Рухга имону Мусога эътиқод берган, Иброҳим Халилуллоҳни оловга ташлаб яна олов ичидан омон-эсон олиб чиққан куч шу илохий қудратдир. Иброҳим қуйган олов — ишк олови эди, дейди Машраб ва яна бир қизик ташбеҳни қўллайди: “Юнус ул батни самак ўлгонда мен қармоқ эдим”. “Киссасул анбиё”ларда ривоят қиладиларким, Юнус пайгамбар Тангрининг иродаси билан денгизда тўфон кўтарилганда кемадагиларни халос этиш учун ўзини сувга отади ва наханг балиқ уни ютади. Юнус қирк кун балиқ қорнида яшайди ва қирқинчи кун балиқ уни қирғоққа чиқариб қўяди. “Юнус балиқ қорнида эканда мен қармоқ эдим” деганда, Машраб, Юнусни балиқ ичига солган ҳам, уни омон сақлаган ҳам ва яна балиқ қорнидан олиб чиққан ҳам Ишқдир, яъни илох мухаббатидир демокчи. Қармоқ — ишк ёки Мутлак рух, шоир бу ўринда бу ҳар икки тушунчани бирга олиб, уни яна ўзи ва комил инсон руҳи билан тенглаштиради.

Шундай килиб, агар Машраб шеъриятини синчиклаб мутолаа килинса, шундай хулосага келиш мумкинки, илохнинг ўзи — мухаббат, унинг учкунлари, зарралари олам узра таралган, билим ҳам, маърифат ва хикмат ҳам, дину эътикод ҳам Ишк туфайлидир. Ишк Исони кўкка кўтарди, Мусони Тур тогига чиқариб, дийдорталаб килди, исломни жорий этиб, Расулulloхни меърож туни Парвардигор хузурига етаклади. Машраб шеърларида Вомик, Мажнун, Фарход, Боязид, Шиблий, Шамси Табризий, Аттор, Бахоуддин Накшбанд, Иброхим Адхам, Мансур Халлож номлари тилга олинади. Булар бари ишк сипохийлари, илохий нур парвоналари сифатида таърифланади. Бари Машраб кавмидан, ажойиб муқаддас силсила! Илохийёт олами беҳудуд, чексиз бўлганидай ишкхам чегарасиз, унинг ўтмиши, мозийси йўқ, у доим истикболдир. Аклар қарийди, жисмлар эскиради, хислар сўнади, аммо ишк ҳамма вақт навкирон, Хакикат ва Эзгуликнинг ўзидай абадий. Шунинг учун шоир бемалол: “Намозу рўзадан кечкил, мухаббатга бота кўргил” деб айтар экан, канчадан-канча донишмандлар, уламову аъламларга кулки бўлган ўз кавми — “девоналар” аслида орифларнинг орифи эканини фахр билан таъкидлаб ўтади. Мутлакиятга восил бу рух соҳиби бошини Мансур каби дорга тутишга рози:

Вахдат майини пири мугон илқидан ичдим,
Мансур каби бошимни дорга тутат қолдим.

Воқеан, Мансур хақида. Мансур Фаридиддин Аттор идеали бўлганидай, Машрабнинг ҳам сигинган гойиб пиридир. Мансур Халложни у ишк қурбони, ҳақгўйлик тимсоли сифатида улуглаб, алқайди.

Хусайн Мансур Халлож /922 йилда қатл этилган/ — тасаввуфнинг йирик намояндаларидан, Боязид Бистомийнинг шогирди ва маслакдоши. Мансур суқра /беҳудлик/ концепциясини ривожлантириб, сўфий руҳи наинки тараккий этиб, покланиб, илохийёт оламига яқинлашади, ҳол мақомида, жисмдан фоний ўларок, балки Мутлак рух билан кўшилиб, мутлакиятнинг ўзига айланади, яъни Хакни топган ҳам хакикат бўлади деган гоъни тарғиб қилади. Мансурнинг фалсафий ақоми, мушоҳадаси, орифлик мартабаси жуда юксак. У фақат бандаларни рўзи махшарда жазоловчи, ёққани, таот қилганига неъмату мағфират ато этиб, ёқмагани, итотсизини дўзах азоби билан жазоловчи ҳудони эмас, балки Олий бир хакикатни, мохиятлар мохияти бўлган жавхар зотни назарда тутар, уни оламнинг асоси ва инсон қалбининг эгаси деб ҳисобларди. У тасаввуфнинг амалий-ахлоқий сулуқини босиб ўтиш /талаб, тавба каби/ билан қифояланмай, ботиний шуур қучига таянган маънавий қамолотнинг авжи илҳомида ваҳдати вужуд таълимотини таҳлил этарок: модомики инсон Мутлак рухнинг бир бўлаги экан, ва у тана жисм билан қурашиб, тозалана бориб, аслига қайтар экан, демак, ориф инсон билан Илох орасида тўсик фарқ қолмайди, улар бирлашади, яъни инсон ҳам ҳудо /ҳақ/дир, деган фикрга қелиб, буни элга шоён этади. Мансур ишлатган “Аналҳақ” — мен ҳақман деган иборасининг маъноси шу. Бунинг яна бир маъноси шуки, мен ҳақ гапни айтаяпман, ҳақ битта, дунё хакикат эмас, балки мажоз-ёлгондир. Инсон мажоз оламидан қутулиб, ҳакни топмоқчи бўлса, ҳаққа қўшилиши қерак. Ана шу ақидаси учун зохирбин дин мутаассиблари, қози-муллолар унинг қўл-оёқларини қесиби, дорга осиб ўлдиришга ҳуқм этганлар. Бир вақтлар яҳудийлар Исони ҳочга қормих қилиб, тафаккур ва хикматни маҳв этишга уринганлари қабил.

Аммо Мансурнинг ўлдирилиши унинг гоълари қенгрок ёйилишига сабаб бўлди, унинг тарафдорлари қўпайди. Мансурнинг қожеали тақдири, фавқулодда жасоратли гоълари

Машрабни каттик хаяжонга салади. Шоир кайта-кайта ўзини Мансурга киёс этади, унга хаваси келади ва ўз умрининг ҳам охир-окибатда Мансурникидай якунла-нишини олдиндан башорат этгандай бўлади:

Мансури Халлождек ичиб шароби антахур,
Чарх уруб, йиглаб турурман ушбу дам дор остида.

Ёки:

Минг шукр худойимга, Мансурга кўшилдим мен.

Жалолиддин Румий демишларким, Мансур рухи юз йилдан кейин Аттор рухига нузул этди. Агар бу фикрни давом эттирадиган бўлсак, айтиш мумкинки, Мансур рухи Фаридиддин Аттор оркали олти юз йилдан кейин ўзбек шоири Боборахим Машраб жисмига сингган эди. Машрабнинг бетокат кайхоний рухи, шеъриятидаги шуурий камров шунга шохид. Зотан, Машраб назарида Мансур битта эмас, у — минг-минг:

Минг аналхах келадур Мансур осилган дордин,
Хар замон лаббайка деб келгай нидо жаббордин.

Яъни Мансур сўзи хато эмас эди, у ҳақ гапни айтди, Тангрининг ўзи “лаббайка” — мана мен раббинг, деб нидо бермоқда, унинг сўзларини тасдиқламоқда, дейди шоир. Машраб назарида еру кўк, дарахтлар, дарёлар, майса-кўкатлар, дор ёғочи, кесилган бош, Насимийнинг эт-суяклари ҳам аналхак деб фарёд чекади. “Бу ишкнинг фарёди”. “Мансурни дорда қилган ишк” чексиз бўлганидай, Мансурлар, Насимийлар ҳам беҳисобдир. Машраб, Мансур гоёларига биру бор имон келтириб, унинг бағрига талпинади. Сोगинчимнинг дарди шундай зўрки, деб ёзади Машраб, дарахтларни хома, дарёларни сиёх, осмонларни китоб саҳифаси қилиб ёзсам ҳам адо бўлмайди. “Куръон”дан иктибос қилинган бу ташбех накадар чиройли ва хашаматли! “Куръон”да у Аллохнинг кудрати тавсифи сифатида келтирилади, Машраб эса ҳам Аллох кудрати ва ҳам Аллох ишки кудратини таърифлаб қўллаган бу ташбехни. Машраб Мансур ахкоми, маслагини қабул қилиб, гоёларини кизгин тарғиб этишдан ташқари, Мансурни катл этганлар билан очик мунозара бошлайди, уларни айблайди. Бундай муносабат Машраб салафларида йўқ. Аттор, Румий, Хофиз гарчи Мансур Халложга катта мухаббат билан ёндашган бўлсалар-да, аммо унинг котилларини ёмонотлик қилиш, мазаммат этишга журъат этмаганлар. Машраб бунга журъат этади: “Ул русияхлар-ким, Мансурни ўлдургон”. Шоир наздида Мансурни осишга фатво берганлар, гарчи ўзларини мусулмон ҳисобласалар-да, динни химоя қилдик деб жар солсалар-да, лекин улар гуноҳи азимга ботдилар, кофир бўлдилар. Иброҳимни оловга ташлаган Намруд, Мусони таъқиб этган Фиръавн, Исони англамай чормих этган яҳудийлар қанчалик гумроҳ, гуноҳкор бўлсалар, Мансур котиллари ҳам шунчалик гумроҳдирлар. Шу маънода Халил оташи билан Мансур дори ўхшаш воқеалар. Зеро, Мансур тавҳид — яккахудоликни тарғиб этган набилар мазхабидадир, у тавҳид гоёсини ботиний мухаббат асосида тараккий эттирди. Мансур котиллари эса набиларга қарши қурашадиган кофирлар, яъни тавҳидни англамаган гофил ва жохил қавм билан ҳаммазҳаб. “Будесам, аналхакдеб олам бари ҳақ дер”, дейди Машраб. Мансур ҳақлигига

олам гувоҳ. Мансур ва Машраб эътиқоди бўйича, чин мусулмон, туну кун Тангри ёдида ёнган, уни севган одамлар, аксинча, дунёпараст киши ҳар қанча ибодат қилган би-лан, аслида кофирдир. Чунки “куфр” сўзининг маъноси беркитиш, ёпишдир. Дунё кишининг кўзига илоҳиёт дийдорини беркитади, илоҳий файздан узокчаштиради. Мансурни ўлдирганлар шу маънода ҳам гумроҳдирлар. Шунинг учун камолот рутбасида турган вали шоир баралла дейди:

Неча гумроҳларга соям тушса, гарки нур бўлур...

Аммо бу эътиқод Мансурга қандай фожиа олиб келган бўлса, Машрабга ҳам шунини насиб этди: унинг ҳақ сўзидан, оташин шеър ва тигли ҳажвидан таҳликага тушган шариат “химоячилари” ҳукмрон табақа вакиллари билан қўшилган ҳолда шоирни гуноҳкор ҳисоблаб ўлдирдилар. Тарих яна бир марта қонга беланди, яна бир марта маърифат билан зулмат, эркин тафаккур билан таассуб ва нодонлик тўқнаш келиб, қурбонлик берилди — шоирнинг ўзи бутун инсоният фалокати деган ўша Нафси лаин жохил уламолар қиёфасида ҳақиқатдан ўч олди. Бирок Машраб руҳи, шеърлари тирик, халқ бу гавҳарни бағрида сақлаб келди. Шуниси ҳам борки, унинг сўзларини хали ҳам ҳар хил талқин этувчилар, ўз қарашлари, манфаатларига хизмат қилдирувчилар бор. Тушуниб-тушунмай, У ҳақда гапириш, ўзгараётган замонга қараб, унинг маъноларини мослаб олишга уриниш қузатилмоқда. Соёи раҳмат бошига тушган шаҳид шоир огоҳлантирган эди:

Машрабо, ҳар бир сўзунгдур гавҳари ҳимматбаҳо,
Айтма бу сўзларни ҳар ноқасга нодонлик била.

Машрабнинг илоҳий пок шеърини тадқиқи ҳам пок ниёт, покиза қалб меҳнатини талаб қилади.

Нажмиддин Комиловнинг
“Тасаввуф” китобидан